

## Қанча идда ўтириш керак?

21:02 / 24.04.2016 12480

Эри талоқ қилган ёки эри ўлган аёл идда ўтириши керак экан. Идданинг муддати қанча? Шулар ҳақида маълумот беришларингизни илтимос қиламан.

**ЖАВОБ:** «Иддат ал-маръа» – маълум вақт, санаш, аёллар учун белгиланган муҳлат, дегани. Шаръий истилоҳда эри ўлган ёки эридан ажрашган хотинларга бошқа эрга чиқиши мумкин бўлиши учун ўташи шарт бўлган муҳлат. Эри ўлган ё талоқ қилинган аёллар идда муддати ўтмагунича бошқага турмушга чиқишлари мумкин эмас. Идда Қуръони карим ҳукми билан собит бўлган. Идда муддати эри ўлган аёл учун тўрт ой-у ўн кун, эридан ажралишган ва ҳайз кўрмайдиган аёл учун – уч ой. Ҳайз кўрадиган аёл иддаси уч ҳайздир. Идда муддати аёлнинг ўлган ёки ажрашган эридан ҳомиласи бор-йўқлигини аниқлаш, эрига қайта ярашиш имконияти бериш билан боғлиқ. Ҳомиладор аёлнинг иддаси у туққунича бўлади (Аллоҳ билувчидир).